


371 (043.3)

K24

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК 377.5



КАРИМОВА Муқаддас Отажоновна

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА УСЛУБИЙ ИШЛАРНИ
ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

13.00.08 - Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2008

371(043.3)

K24

Иш Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган

Илмий раҳбар:

педагогика фанлари доктори, профессор
Ходжабоев Анарбай Рустамович

Расмий оппонентлар

педагогика фанлари доктори, профессор
Иноятов Улуғбек Ильясович


педагогика фанлари номзоди, доцент
Нуриддинов Баходир Собирович

Етакчи ташкилот: Наманган муҳандислик-педагогика институти

Ҳимоя Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2008 йил "24." *Апрел* соат 16.00 да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100070 . Тошкент., Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103 уй. Тел: 252-74-39, факс (+99871) 257-73-92, e-mail:tgpu info @ edu.uz

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2008 йил «24...» *апрел* да тарқатилди.



Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
физика-математика фанлари
доктори, профессор

Расм В

К.Р. Насриддинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохоти ўзининг назарий-методологик асосини «Таълим тўғрисида»-ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да топди. Бу тарихий ҳужжатларда ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимида таълимнинг мустақил тури сифатида тавсифланади. Шунинг учун ҳозирги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида бўлажак кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнини бутунлай янги назарий-амалий асосда ташкил этишни тақозо этади.

Президент И.А.Каримов "...Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиш, ҳаётимиз тараққиёти ва истикболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз ва режаларимизнинг самарали тақдири, авваламбор давр талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, янгича тафаккурга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз"¹деб таъкидлайди. Бу эса ўз навбатида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари)да фаолият кўрсатувчи умумтаълим фанлари ўқитувчилари ва касб таълими ўқитувчиларининг касбий маҳоратини, умумий савиясини муттасил такомиллаштириш учун шароит яратишни талаб қилади. Чунки юқори малакали кичик мутахассисларни тайёрлаш даражаси, энг аввало, уларни ўқитиб билим бериш, уларда эгаллайдиган касблари бўйича зарурий кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, таълим-тарбия берувчиларининг саводхонлиги даражаси билан узвий боғлиқ.

Касб-хунар коллежларида тўғри йўлга қўйилган ҳамда мунтазам равишда амалга ошириладиган услубий ишлар ўқув-тарбиявий ишларни узлуксиз равишда такомиллаштириб боришнинг энг муҳим воситаларидан бири эканлиги; ўқитувчилар учун ўз мутахассислиги бўйича илғор тажриба усулларини амалий тарзда эгаллаб олиши, педагогика, психология ва бошқа фанларнинг энг сўнгги ютуқларини мунтазам равишда ўз иш амалиётига татбиқ этиб бориши зарурлиги; услубий ишлар ўқув-тарбиявий жараёнини такомиллаштириш, таълим мазмунини чуқурлаштириш ва сифатини ошириш мақсадида ташкил этилиши муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касб-хунар коллежларида таълим сифатини оширишнинг истикболлари бўйича Р.Х. Жўраев, У.И. Иноятов, Қ.Т. Олимов, Х.Ф. Рашидов, Ш.Э. Қурбонов, Н.Ш. Шодиев ва бошқалар, меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш муаммолари бўйича У.Н. Нишоналиев, Н.А. Муслимов, Ў.Қ. Толипов, А.Р. Ходжабаев ва бошқалар фундаментал илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

¹Баркамол авлод орзуси / Ўқитувчилар: Ш.Қурбонов, Р.Ахлидинов, Х.Саидов. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 9 б.

Касб-хунар таълими тизимида кичик мутахассислар тайёрлаш, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўқув-услубий мажмуалар бўйича М.У. Дехканова, П.З. Ишонов Б.С. Нуриддинов, С.Ф. Ражабова, А.А. Шоюсупова, Д.М. Файзуллаевалар, замонавий ўқитиш технологиялари назарияси ва амалиёти бўйича Н.Н. Азизходжаева, А.В. Голиш, М.И. Махмутов, Н.С. Саидахмедовлар, касб-хунар таълимини ривожлантириш, сифатини такомиллаштириш, янги педагогик технологияни таълим жараёнига қўллаш бўйича ҳамдўстлик мамлакатлари олимларидан О.А. Абдуллина, Г.А. Ажикин, С.Я. Батышев, Ю.К. Васильев, Н.И. Кравцов, В.А. Казаков, В.А. Казначеев, Г.П. Логинова, Э.Н. Рычикина, Г.К. Селевко, В.А. Слестенинларнинг илмий-тадқиқот ишлари ўрганилди.

Касбий таълим тизимида ўқитувчиларнинг услубий маҳоратини ошириш муаммоси бўйича Н.Д. Иванов, З.К. Исмоилова, Н.И. Кравцов, М.В. Кузьмин, Т.И. Олифиренко, В.С. Пикельная, П.В. Худаминский, С.Ф. Ражабова, А.А. Шоюсупова, А.Х. Гофоровларнинг тадқиқот натижаларини ўрганиш ва таҳлил кўрсатадики, касбий таълим назарияси ва амалиётида касб-хунар коллежларида услубий ишларни ташкиллаштириш ва бошқариш муаммоси илмий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги; касб-хунар коллежларида услубий ишлар тизимини ташкил қилиш, амалга ошириш ва бошқариш жиҳатлари зарурий даражада ишланмаганлиги; услубий ишлар мазмунини янгилаш зарурияти, услубий ишларнинг ноанъанавий шаклларида фойдаланиш кераклиги; махсус услубий қўлланмаларнинг мавжуд эмаслиги тадқиқотимиз мавзусини «Касб-хунар коллежларида услубий ишларни ташкиллаштиришнинг илмий-педагогик асослари» деб танлашга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши “Ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш, таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида юқори малакали, шунингдек, бошқарув кадрларини тайёрлаш муаммолари”, Давлат илмий-техник дастури бўйича бажарилаётган А.3.11 “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги раҳбар, бошқарув кадрларини, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари” мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: касб-хунар коллежларида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга оид услубий ишларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: касб-хунар коллежларида услубий ишлар тизими.

Тадқиқотнинг предмети: касб-хунар коллежларида услубий ишлар тизими мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг илмий фарази: касб-хунар коллежларида услубий ишларни ташкил қилиш, такомиллаштириш ва бошқариш жараёнида самарадорликка эришиш мумкин, агарда:

- касб-хунар коллежларида услубий ишларнинг ҳолати таҳлил қилиниб мақсади ва вазифалари аниқ белгиланса, унинг мазмуни такомиллаштирилса;
- услубий ишларни ташкил қилишнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларида ўринли фойдаланилса;
- касб-хунар коллежларида услубий ишлар тизими ва уни бошқаришнинг ташкилий модели ишлаб чиқилса ва у амалиётга жорий этилса;
- касб-хунар коллежларида услубий хизматларни ташкиллаштириш асослари ишлаб чиқилса;
- касб-хунар коллежи педагогик жамоаси фаолияти бирлигини таъминлашнинг илмий-педагогик асослари ишлаб чиқилса;
- услубий бирлашмалар ўқитувчиларнинг умумий услубий кизиқишлари ёки ўзаро ҳамкорлиги асосида ташкил қилинса.

Тадқиқот вазифалари: касб-хунар коллежларида услубий ишлар ҳолати ва уни бошқаришга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш; касб-хунар коллежларида давр талабига жавоб берадиган услубий ишлар ҳамда уни бошқаришнинг мақсади, вазифалари ва мазмунини ишлаб чиқиш; услубий ишлар (анъанавий ва ноанъанавий)нинг ташкилий шакллари таҳлил қилиш ва улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш; услубий ишлар тизими ва уни ташкилий бошқариш моделини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; касб-хунар коллежлари педагогик жамоаси фаолияти бирлигини таъминлашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш; касб-хунар коллежларида услубий хизматларни ташкиллаштириш асосларини ишлаб чиқиш; касб-хунар коллежларида услубий ишларни ташкил қилиш, такомиллаштириш асослари бўйича услубий тавсияларни тайёрлаш, тажриба-синовларни ўтказиш.

Тадқиқотнинг методлари: муаммога оид илмий ишлар ва адабиётлар таҳлили, педагогик кузатиш, моделлаштириш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, кузатиш, сўровномалар ўтказиш, анкета сўрови, суҳбат, педагогик тажриба-синов натижаларига математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, И.А.Каримовнинг таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнининг принципаал йўналишлари баён этилган асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5-январдаги 5-сонли “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги, 2001 йил 16 августдаги 341-сонли “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида”ги, 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада

такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, республикаимиз олимларининг ўқитувчилар тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий ҳуросалари.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Касб-ҳунар коллежларида услубий ишларни ташкиллаштириш жараёни тизим сифатида тадқиқ этилганлиги.
2. Касб-ҳунар коллежларида услубий ишларни ташкил этиш мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Касб-ҳунар коллежларида услубий ишлар тизими ва уни бошқаришнинг ташкилий модели.
4. Касб-ҳунар коллежларида педагогик жамоа фаолияти бирлигини таъминлаш ҳамда услубий хизматлар мазмуни ва уни ташкил этиш асослари.
5. Касб-ҳунар коллежларида услубий ишларни такомиллаштиришга оид таъсиялар ва тажриба-синов натижалари.

Илмий янгиллиги: касб-ҳунар коллежларида услубий ишлар тизимини ташкиллаштириш мазмуни, шакллариининг назарий асосланганлиги; услубий ишлар тизими ва уни бошқариш ҳамда услубий ишларни узлуксиз бошқаришнинг ташкилий моделлари яратилганлиги; услубий ишларнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари асосланганлиги, касб-ҳунар коллежларида услубий хизматлар мазмуни ва педагогик жамоа фаолияти бирлигини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилганлиги.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: касб-ҳунар коллежларида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш зарурлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланди; услубий ишларнинг анъанавий ва ноъанавий шакллариининг фойдаланиш малакали кичик мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини оширишга имкон бериши аниқланди; касб-ҳунар коллежларида услубий хизматларни ташкил қилиш асослари ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари 2001-2007 йилларда амалга оширилди ва уч босқични ўз ичига олди.

Биринчи босқичда (2001-2004 йй.) асосий эътибор тадқиқот мавзусини танлаш ва асослашга қаратилди. Бу босқичда тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, вазифалари ҳамда ишчи фарази аниқланди. Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича мамлакатимиз ҳамда ҳамдўстлик давлатлари олимларининг илмий тадқиқот натижалари бўйича манбалар таҳлил қилинди ва умумлаштирилди.

Иккинчи босқичда (2004-2006 йй.) илмий адабиётларни ўрганиш давом эттирилди. Педагогик жараён ва маълумотлар ўрганилиб, таҳлил қилинди. Назарий тадқиқот натижасида услубий ишларни ташкил қилиш тажрибалари ўрганилди. Тажриба-синов ишлари педагогик кузатиш, умумлаштириш, анкета сўрови, суҳбат асосида олиб борилди. Услубий ишлар тизими ва уни бошқаришнинг ташкилий модели ишлаб чиқилди. Олинган назарий ва амалий натижалар асосида касб-ҳунар коллежлари услубчилари учун “Ўрта

махсус, касб-хунар таълими муассасаларида услубчилар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш” бўйича услубий қўлланма яратилди.

Учинчи боскичда (2006-2007йй.) тажриба-синов ишлари давом эттирилди, натижалар умумлаштирилди. Асосий хулосалар шакллантирилди. Тадкикот натижалари касб-хунар коллежлари амалиётига татбиқ қилинди. Ўқитувчилар ва раҳбар ходимлар учун “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув-услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш” курс дастури ва услубий қўлланма яратилди. Ана шу боскичда диссертациянинг шакллантириш нихоясига етказилди.

Тажриба–синов ишларида 528 нафар педагог (коллеж директорлари, уларнинг ўринбосарлари, услубчилар, касб таълими ўқитувчилари) иштирок этди.

Тажриба-синов ишлари ЎМКХТТКМО ва УҚТ институти, Фарғона 1-тиббиёт, саноат, транспорт касб-хунар коллежлари, Марғилон педагогика ва қурилиш касб-хунар коллежларида амалга оширилди.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадкикот жараёнида ишлаб чиқилган дастурлар, услубий тавсиялар ЎМКХТТКМО ва УҚТ институти малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида; Вилоятлар олий ўқув юртлари қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетларида; Фарғона 1-тиббиёт, саноат, транспорт касб-хунар коллежларида, Марғилон педагогика ва қурилиш касб-хунар коллежлари фаолияти негизида амалга татбиқ этилди ва ҳозирги кунда ҳам улардан мазкур таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадкикотнинг асосий ғоя ва мазмуни ЎМКХТТКМО ва УҚТ институтининг “Педагогик технологиялар” кафедрасида, “Педагог кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муаммолари” бўлимида, Бухоро озик-овкат ва енгил саноат институтидаги халқаро конференцияда (2006 й), Бухоро иқтисодёт ва банк коллежи (2006 й), ЎМКХТТКМО ва УҚТ институти илмий-амалий конференцияларида (2005-2007 йй.) маъруза қилиниб, тадкикот иши мутахассислар муҳокамасидан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадкикот муаммоси бўйича ёритилган ишларнинг умумий сони 23 та бўлиб, улардан 9 таси илмий-услубий журналларда мақолалар, 11 таси конференция материалларида тезислар ҳамда 3 таси ўқув-услубий қўлланма ва тавсияномалар сифатида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, саккизта банд, умумий хулосалар ва тавсиялар ҳамда 147 номдаги адабиётлар рўйхати, 4 жадвал, 10 расм ва 12 та иловадан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 217 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади объекти ва предмети, илмий фарази, вазифалари, методологик асослари, методлари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ҳамда ҳимояга олиб чиқиладиган натижалар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Касб-ҳунар коллежларида услубий ишларни ташкил этишнинг илмий асослари”** деб номланиб, унда услубий ишларнинг таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишдаги ўрни, вазифалари ва муаммолари; услубий ишларни ташкиллаштириш тизими, мазмуни ҳамда услубий ишларни ташкил қилишнинг анъанавий ҳамда ноаънанавий шакллари ёритилган.

Услубий ишлар ўқув-тарбиявий ишларни муваффақиятли, самарали ташкиллаштиришга йўналтирилган таълим фаолиятининг асосий таркибий қисми ҳисобланади, шунинг учун таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган раҳбарлар, умумтаълим фанлари ўқитувчилари, касб таълими ўқитувчилари ва ўқув устаси услубий ишларнинг мазмун-моҳиятини, амалга ошириш усулларини, ривожлантириш мақсад ва вазифаларини билишлари лозим.

“Услубий ишлар” таърифлари таҳлили асосида (Р.Г. Гильберг, О.Г. Бутузова, Н.И. Кравцов, Т.И. Олифиренко А.А. Шоюсупова, ва бошқалар) шунингдек услубий ишлар мазмунининг маъlum даражада янгиланиши туфайли у қуйидагича таърифланди: услубий ишлар-педагогик тизим бўлиб, республика иктисодиётининг турли соҳаларига кичик мутахассислар тайёрлаш учун ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳоратини ошириш, уларнинг тажрибаларини умумлаштириш, янги педагогик технологияни қўллаш орқали ўқув-тарбиявий жараёнини мақсадга мувофиқ ташкиллаштиришдир.

Касб-ҳунар коллежларида услубий ишлар ҳолати, таҳлили, услубий ишларнинг асосий **вазифаси** қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатди: давлат таълим стандартлари асосида ўқув-услубий ишларни ташкиллаштириш; таълим муассасаси педагогик жамоасининг маънавий-маърифий даражаси, педагогик малака ва касбий маҳоратларини ошириш; бўлажак мутахассисларга таълим-тарбия бериш мазмуни, шакли ва услубини тинимсиз такомиллаштириб бориш; ўқувчиларни ўқитиш жараёнида таълим ва тарбия бирлигини, умумтаълим ва касбий тайёргарлик ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлаш; илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибалари, фан ва техника ютуқларини чуқур ўрганиш, умумлаштириш ҳамда ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ қилиш; ўқув-тарбия жараёнини янги дидактик материаллар ва ўқитиш воситалари билан таъминлаш; услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Касб-хунар коллежларида педагогик жамоа фаолиятининг самарадорлигини ошириш соҳасидаги изланишлар, қилинган услубий ишларни таҳлил қилиш натижасида услубий ишларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлишлиги аниқланди: касб-хунар таълими мазмунини такомиллаштириш; касб-хунар таълими шакл ва методларини такомиллаштириш; давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълим жараёнини мажмуавий ўқув-услубий таъминлаш; илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, улардан таълим жараёнида фойдаланиш; касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг касбий малакасини ва педагогик маҳоратини ошириш; умумтаълим ва касбий таълим ўртасидаги уйғунликни таъминлаш.

Услубий ишлар **йўналишларини** бошқариш, технологик, педагогик, илмий ва ахборот бериш функциялари орқали амалга ошириш мумкинлиги аниқланди, мазмуни ёритилди. Касб-хунар коллежларида услубий ишлар анъанавий ва ноанъанавий шакллардан иборат эканлиги исботланди.


Услубий ишларнинг **анъанавий** шакллари: илмий-педагогик кенгаш, услубий кенгаш, фан уюшмалари, услубий комиссия йиғилишлари, услубий-кўрсатмавий йиғилишлар, назарий-амалий семинарлар, конференциялар, педагогик ўқишлар, кўрик-танловлар, мураббийлик мактаби, ёш ўқитувчиларга ёрдам, ўзаро дарсларга киришни ташкил этиш, дарс таҳлиллари, китобхонлар конференцияси, услубий кўргазмалар ва бошқалар.

Услубий ишларнинг **ноанъанавий** шакллари: илмий-услубий мувофиқлаштирувчи марказ, ижодий-экспериментал лабораториялар, услубий ринг, педагогик турнирлар, педагогик тренинг, услубий кўргазмалар, услубий ишлар мониторинги, услубий суҳбатлар ва бошқалар.

Услубий ишларнинг ноанъанавий шакллари амалга ошириш орқали ўқитувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш, янгиликларни амалда татбиқ этиш ва илғор тажрибаларни шакллантиришга ижобий ёндашишларини ривожлантириш; касб-хунар коллежлари учун муаллифлик дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш; ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш; битирувчиларни давлат таълим стандартлари ва жаҳон андозаларига мос равишда тайёрлашни таъминловчи таълим ва тарбиянинг инновацион усулларини амалда қўлаш; ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг **“Касб-хунар коллежларида услубий ишлар шакллари ва уларни бошқариш модели”** деб номланган иккинчи бобида касб-хунар коллежларида услубий ишлар қуйидаги турларга ажратилди: жамоавий, гуруҳий ва индивидуал, яъни раҳбар, умумтаълим фанлари ўқитувчилари, касб таълими ўқитувчилари, ўқув устаси, тарбиячилар ва бошқа педагогик ходимлар учун ташкил қилинадиган жамоавий; ўқитувчилар, касб таълими ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими устаси ва раҳбарлар томонидан бажариладиган гуруҳий ва индивидуал услубий ишлар.

Бугунги кунда услубий ишларни ташкил қилиш ва бошқариш моделини ишлаб чиқиш объектив заруриятдир. Шунинг учун биз моделлаштириш методологияси ва унинг назарий қондаларидан фойдаландик. Маълумки, модель реал жараёнларни, бошқариш объектларини ўзида акс эттиради, у ўз ичига бошқарув-ўқув фаолиятини ташкил этувчиларни, хусусан, услубий ишларни ташкил этувчиларни, бошқача айтганда, бир канча компонентларни камраб олади (1-расм).



1- расм. Касб-ҳунар коллежларида илмий-услубий ишлар тизими ва уни бошқариш модели

Услубий ишлар тизими моделини ишлаб чиқиш қуйидаги тартибда амалга оширилди: услубий ишлардаги барча зарурий кичик тизимлар (тизим тармоқлари), услубий ишлар мазмуни, йўналишлари ва уларни моделга киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги нуктаи-назаридан статистик вариантда таҳлил этилди; услубий ишларнинг кичик тизимлари (тармоқлари) элементлари ўртасидаги бевосита ва билвосита боғланишлар аникланди; услубий ишларнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари аникланиб, улардан қайси бирини моделга киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги белгиланди. Ана шу ва бошқа омилларни эътиборга олган ҳолда биз, энг аввало, услубий ишлар тизими моделининг турли вариантларини бир-бирига таққослаб кўрдик ва натижаларни педагогик жамоада муҳокама этдик. Муҳокама натижалари бизга қуйидагича хулоса қилишга имкон берди: касб-хунар коллежларида услубий ишлар тизимини моделлаштириш интеграллашган ҳолда амалга оширилиши керак.

Моделда услубий ишлар мазмуни илмий, бошқарув, технологик, педагогик ва ахборот бериш функциялари бўйича белгиланди. Моделни ишлаб чиқишда қуйидагилар эътиборга олинди: модель иш жараёнида фойдаланиладиган бўлиши ва касб-хунар коллежи шароитида умумтаълим фанлари ўқитувчилари, касб таълими ўқитувчилари ва ўқув устасининг малакасини ошириш учун имконият яратиши зарур. Моделдаги бошқарув тузилмасининг асоси илмий-педагогик кенгаш ҳисобланади. Илмий-услубий мувофиқлаштирувчи марказ бошлиғи илмий-услубий кенгашни бошқариш борасидаги барча вазифа (функция)ларни амалга оширади. Бундан ташқари, илмий-услубий кенгаш аъзолари ташқи услубий хизматлар (худудий касб-хунар таълими бошқармаси, илмий-услубий мувофиқлаштирувчи кенгаш ва бошқалар) билан алоқа ўрнатади, ўқитувчиларнинг услубий эҳтиёжларини таҳлил этади, услубий ишлар самарадорлигини ва уни келгусида янада такомиллаштириш йўллари аниқлайди. Ўқитувчилар услубий фаолиятининг самарали бўлиши, уларнинг ахборот манбалари билан етарли даражада таъминланган бўлишига боғлиқ. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда модел иш тузилмасига ахборот ресурс марказини киритдик.

Услубий ишлар тизими бошқа тизимлар каби у бошқаришни талаб этади. Услубий ишларни бошқаришдан мақсад ўқитувчиларнинг ижодий имкониятидан максимал даражада фойдаланишдир. Шу мақсадда “Касб-хунар коллежларида услубий ишлар тизимини бошқаришнинг иерархик модели”ни ишлаб чиқдик. Унда услубий ишлар тизимини бошқариш уч даражада амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган: **биринчи даража** - бу илмий услубий кенгаш раиси, илмий-услубий мувофиқлаштирувчи марказ раҳбари, директорнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосари ва услубчи; **иккинчи даража** - илғор тажриба мактаби раҳбари, ижодкор ўқитувчилар, услубий комиссиялар раислари, услубий гуруҳлар раҳбарлари; **учинчи даража** - бу умумтаълим фанлари ўқитувчилари, касб таълими

ўқитувчилари ва бошқа педагог ходимлар. Услубий ишлар тизими моделини ишлаб чиқишда биз уни ташкил этишнинг индивидуал шаклларига алоҳида эътибор қаратдик. Бу умумтаълим фанлари ўқитувчилари, касб таълими ўқитувчиларининг услубий фаолиятини оширишга имкон беради, натижада услубий фаолиятга бутун педагогик жамоа жалб этилади ва унинг ҳар бир аъзоси маълум даражада ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажарадилар.

Услубий ишлар тизимининг макбул ишлаши учун услубий ишлар тизимини бошқаришнинг ташкилий модели (УИТБТМ) ни ишлаб чиқишга яққол эҳтиёж пайдо бўлди. Уни ишлаб чиқишда биз моделлаштириш механизми сифатида бошқаришнинг технологик функцияларидан фойдаландик. Яъни **режалаштириш** – қўйилган масалага мувофиқ аниқ фаолият мазмунини очиб бериш ва «Нима қилмоқ керак?» деган саволга жавоб топиш; **ташкил этиш** – ўтказилиш жойи ва вақтига кўра услубий тадбирларни асосли равишда аниқ тақсимлаш, яъни «қаерда, қачон, қандай қилиб» саволларига жавоб бериш; **мувофиклаштириш** – аниқ ижрочини танлаш ва тайёрлаш, педагогик жамоа аъзолари фаолияти мувофиклигини таъминлаш ва «Ким қилади?» саволига жавоб топиш; **назорат**–ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш, назорат натижалари бўйича хулосалар чиқариш, «Ким назорат қилади ва натижалар қаерда муҳокама этилади?» саволига жавоб бериш; **тўғрилаш** - ўқув-бошқарув жараёнлари оқимида ўзгартиришлар киритиш, узлуксиз бошқаришга имкон бериш; педагогик таҳлил ўқув–ишлаб чиқариш жараёнини ва услубий ишларни такомиллаштиришнинг «ҳаракатлантирувчи» воситаси ҳисобланади.

Услубий ишлар тизимини узлуксиз бошқариш учун «Услубий ишларнинг ягона режаси» дан фойдаланилади. Унда услубий тадбирларни ҳар ҳафтада, ҳар ойда, ҳар чоракда ўтказиш назарда тутилган. Шунинг учун ҳам, услубий ишларни режалаштиришнинг календарь «қадами» бир ҳафта, бир ой ёки чорак қилиб белгиланади. Умуман, режалаштириш «қадами» турлича (бир кун, ҳафта, ой, чорак, семестр, олти ой, бир йил) қилиб белгиланиши мумкин. Чунки ўқув машғулотлари жадвали ҳар кун учун тузилади ва режалаштириш «қадами» бир кун қилиб белгиланади.

Биз ишлаб чиққан услубий ишлар тизимини бошқаришнинг ташкилий моделида услубий ишларни ташкил этишнинг индивидуал, гуруҳий ва жамоавий турлари ҳамда анъанавий ва ноанъанавий шакллари акс этган.

Моделлаштиришга асос қилиб бир ҳафта «қадамли» «классик» календарь сеткасини танладик. Горизонтал йўналиш бўйича биз ўқув календарь ҳафталарини ва бунга қўшимча равишда август ойидаги икки ҳафтани жойлаштирдик (бу вақтда анъанавий август кенгашига ва уни ўтказишга тайёргарлик кўрилади). Амалга ошириш мумкин бўлган услубий тадбирлардан биз индивидуал (раҳбарнинг ўқитувчилар билан индивидуал услубий ишлари, мустақил билим олиш, мураббийлик, тажриба ошириш, дарс панорамалари, тажриба тадқиқоти ёки анъанавий очик дарслар), гуруҳий (илғор тажриба мактаблари, конференциялар, услубий комиссиялар,

ижодий гуруҳлар, семинарлар, услубий ринг, услубий маслаҳатлар) ва жамоавий (илмий услубий кенгаш, педагогик кенгаш, илмий мувофиқлаштирувчи марказ, педагогик ғоялар аукциони, услубий ишларланмалар кўргазмаси, услубий янгиликлар панорамаси) тадбирларни танладик ва уларни вертикал чизиқ бўйлаб жойлаштирдик.

Услубий тадбирларни ташкил этувчилар ва уларга раҳбарлик қилувчи (масъул)ларни бевосита аниқлаш учун биз шартли белгилардан фойдаландик. Шартли белгилар айна услубий ишларга тайёргарлик қўриладиган ва улар ўтказиладиган ҳафтадаги сетка ячейкаларига жойлаштирилди. Моделга киритилган шартли белгилар ҳар бир жавобгар шахснинг иш билан бандлиги даражасини кўришга имкон туғдиради. У шахс ва жамоа масъулиятини оширади ҳамда педагогик жамоанинг ҳар бир аъзоси фаолиятини мувофиқлаштириш ишини осонлаштиради. Бундай модел услубий ишларни бошқаришни ва унинг бажарилишини назорат қилишга имкон яратади.

Абсциссанинг горизантал ўқида тасвирланган услубий тадбирларнинг график тасвири (лойихаланиши) ишда такрорланишнинг олдини олишга имкон беради. Услубий ишлар тизимини бошқаришнинг ташкилий моделидан фойдаланишда баъзи қийинчиликлар мавжуд бўлиши ҳам эътиборга олинди, чунки услубий ишларнинг барча шаклларида бошқаришнинг умумий вазифасини амалга оширишнинг ҳамма қирраларини ҳисобга олиш анча мураккаб бўлиб, услубий ишлар сифатига таъсир кўратиши мумкин.

Услубий ишларни бошқаришнинг ташкилий модели намунавий бўлиб, уни касб-хунар коллежларида жорий этишда ижодий ёндашиш керак. Услубий ишларнинг шакллари танлаш, уларни ташкил этиш тартиби ва унга масъул шахсларни белгилашда таълим муассасасидаги шарт-шароит, имконият, ўқитувчилар салоҳияти ва бошқа омиллар эътиборга олинishi, унга илмий-услубий ишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тузатиш ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Касб-хунар коллежларидаги ўзига хос шарт-шароитларда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида умумтаълим, касбий ва ихтисослик фанлари ўқитувчилари, ўқув усталари, тарбиячилар ва бошқа ходимлардан ташкил топган педагогик жамоа фаолияти бирлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга, чунки тарбиявий ишлар даражаси, назарий ва амалий таълим натижалари, педагогик жамоанинг барқарорлиги, яъни касб-хунар коллежи ишидаги сифатий кўрсаткичлар педагогик жамоа фаолияти бирлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Педагогик жамоанинг муҳим белгиси бу – фаолият бирлигидир.

Педагогик жамоанинг фаолияти бирлиги тизими касб-хунар коллежидаги ўқув-тарбия ишларининг барча жабҳалари ва йўналишларида зарур. Яъни ўқув тартибини таъминлаш масалаларида, дарс ва амалий машғулотларни ташкил этишда, битирув олди ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишда, дарсдан ташқари тадбирларда ва бошқа ишларда.

Педагогик тажрибалар шуни кўрсатадики, педагогик жамоа фаолияти бирлигига эришиш таълим муассасаси ишининг асосий кўрсаткичларини яхшилашга имкон беради. Хусусан, бу ўқувчиларнинг касбни эгаллашга бўлган фаол-ижобий муносабатида, уюшқоклиги ва тартиб-қоидаларга амал қилишга интилишида, ўз таълим муассасасидан фахрланиши ва унинг анъаналарини кадрлашида, ўз олдига турган масалаларни тўғри қабул қилиши ва бошқа ҳолларда намоён бўлади. Касб-хунар коллежларида педагогик жамоа ҳамкорликдаги фаолият орқали ўқув-тарбия жараёнининг барча йўналишларида самарадорликка эришилади.

Диссертациянинг **“Касб-хунар коллежларида услубий хизматларни такомиллаштириш методикаси ва тажриба-синов ишлари натижалари”** номли учинчи бобида касб-хунар таълими муассасаларида услубий хизматни ташкил қилиш методикаси ва тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

Таълим тизимида **услубий фаолият** ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини, уларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришга, охиросида, меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда таълим муассасалари битирувчилари сифатини оширишга йўналтирилган ўзаро боғлиқ тадбирлар тизими сифатида қаралади. Услубий фаолиятда қуйидаги йўналишлар энг муҳим ҳисобланиши аниқланди: **таълим мазмунини соҳасида:** таянч ўқув режасини ўзлаштириш ва амалга оширишни таъминлаш; давлат таълим стандартларини ўрганиш ва амалга ошириш бўйича педагогик кадрлар билан ишлаш; таълим муассасаларини доимий ривожланиш тартибига ўтказишда уларнинг раҳбарларига ёрдам кўрсатиш; янги таълим мазмунининг дидактик ва услубий таъминотини яратиш; янги педагогик технологияларни тарғибот қилиш ва амалга жорий этишда таълим муассасаларига ёрдам кўрсатиш; **ташхис – режалаштириш соҳасида:** педагог кадрларнинг малака оширишга эҳтиёжини ташхис (диагностика) қилиш; ўқитувчининг ахборотга бўлган эҳтиёжи ташхиси, узок муддатли режалаштириш ва бошқалар; **инновацион ва эксперимент соҳаларида:** инновация экспертизаси, тажриба-синов ўтказиш фаолиятига илмий раҳбарлик қилиш; тажриба-синов ишини ташкил этиш; инновацион таълим муассасалари кадрлари билан услубий ишларни ташкил этиш; **ахборот соҳасида:** ахборот ва педагогик тизим маълумотлари банкни яратиш; **малака ошириш соҳасида:** ўқитувчилар ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; ўқитувчининг касбий тайёргарлигини ошириш; услубий хизмат кўрсатувчи ходимлар малакасини ошириш; педагогик маълумотга эга бўлмаган ўқитувчиларга ёрдам кўрсатиш; долзарб муаммолар бўйича жойларда касбий маслаҳатлар бериш; **аттестация соҳасида:** ўқитувчилар ва раҳбар ходимлар аттестациясида иштирок этиш; ўқувчилар аттестациясида иштирок этиш; таълим муассасалари аттестациясида иштирок этиш.

Услубий фаолиятнинг асосий йўналишлари услубий ишларни режалаштиришда асос бўлиб хизмат қилади. ЎМҚХТТҚМО ва УҚТ

институтида “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида услубий хизмат хоналари тўғрисида Низом” ишлаб чиқилди. Шу асосда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва бошқармаларида ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари, марказлари ва институтларида услубий фаолиятни амалга ошириш бўйича услубий хизмат хоналари ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Услубий хизмат хоналари мутахассислари илғор тажрибаларни оммалаштириш ва тарғибот қилиш; умумтаълим фанлари ўқитувчилари, касб таълими ўқитувчилари ва тарбиячиларга услубий ёрдам кўрсатиш; илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича тавсиялар тузиш; ахборот-ресурс марказлари, кафедра мудирлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш; ўқитувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмасини ташкил қилиш; очик дарсларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш, ўқув фанларининг янгиликлари билан таништириш; ўқувчиларга фанлар бўйича олимпиадаларга тайёрланишда амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни бажаришлари лозимлиги аниқланди.

Таълим муассасаларида замонавий услубий хизмат хоналарини ташкил этиш ўқитувчиларининг касбий ва педагогик маҳоратини шаклланишига ва таълим-тарбияда самарадорликка эришишга асос бўлади.

Тадқиқотнинг вазифаларини ҳал қилиш мақсадида ЎМКХТТКМО ва УҚТ институти ҳамда Фарғона вилояти Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси базасида педагогик тажриба-синов ишининг дастлабки босқичида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг директорлари, ўқув ишлари ва касбий таълим бўйича директор ўринбосарлари ҳамда касб таълими ўқитувчилари ва услубчилар жалб этилди. Тажриба-синовнинг ташхис босқичида тажриба-синов ишларининг мазмуни билан боғлиқ масалалар бўйича суҳбат ва анкета саволлари ўтказилди. Натижада ўқитувчиларнинг услубий ишларни турлича баҳолашлари ва унга турлича муносабатда бўлишлари аниқланди, касб-хунар коллежларида услубий ишларнинг ҳолати баҳоланди. Улар орасидан «Услубий ишларда ўқитувчиларнинг фаоллик даражаси» омили ажратиб олинди ва уни баҳолашнинг учта даражаси белгиланди: юқори, ўртача, паст. Услубий даражаларнинг ҳар бирига мос кўрсаткич-характеристикалар ишлаб чиқилди.

Бошқаришнинг илмийлик даражасини аниқлаш учун биз қуйидаги мезонларни ишлаб чиқдик:

- бошқаришнинг илмийлиги юқори даражада - услубий ишлар ташкилотчиси услубий ишлар тизимини мустақил моделлаштиришни билади; уни бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқа олади, услубий ишлар йўналишларини олдиндан қўра билади ва асослай олади.


- бошқаришнинг илмийлиги ўртача даражада - услубий ишлар ташкилотчиси услубий ишлар тизимини мустақил моделлаштиришга қийналади; бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади; услубий ишлар йўналишларини олдиндан қўра олади, лекин асослай олмайди.

- бошқаришнинг илмийлиги паст даражада - услубий ишлар ташкилотчиси услубий ишлар тизимини мустақил моделлаштира олмайди, уни бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқа олмайди, ишнинг йўналишларини аниқлашда ва мазмунини режалаштиришда кийналади.

Тадқиқот базасидаги таълим муассасалари директорлари, уларнинг ўринбосарлари бошқаришнинг илмийлик даражасини маълум мезонларга мувофиқ таҳлил қилиш натижасида уларда услубий ишларни ташкил этишнинг ноанъанавий шаклларида фойдаланишга таллуқли билим ва қўникмаларнинг етарли эмаслиги аниқланди. Шунинг учун “Ўрта махсус, касб-хунарга таълим муассасаларида услубчилар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш” бўйича услубий қўлланма, “Ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасаларида ўқув услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш” бўйича 18 соатга мўлжалланган дастур ҳамда ўқув услубий қўлланма яратилди. Дастур бўйича назарий, амалий машғулотлар ва семинар-тренинглар ўтказилди.

ЎМҚХТТҚМО ва УҚТИ малака ошириш курси тингловчиларининг дастлабки ва махсус ташкил этилган машғулотлардан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичларини солиштириш, натижаларни қайта ишлаш учун Макнамера мезонидан фойдаланилди.

2006-2007 йилларда ўтказилган тажриба-синов ишларининг умумлаштирилган натижалари 2- расмда келтирилган.



1- директорлар; 2- ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари; 3- касб таълими бўйича директор ўринбосарлари; 4- услубчилар; 5- касб таълими ўқитувчилари.

■ тингловчиларнинг машғулотлардан кейинги ўзлаштириш даражаси;

■ тингловчиларнинг машғулотдан олдинги ўзлаштириш даражаси;

2-расм. Тажриба-синов натижалари гистограммаси

Макнамера мезонида бирор бир ягона танлама (масалан тингловчилар гуруҳи) бирор бир хоссасини (масалан билимни ўзлаштириш, кўникма ва малакасининг шаклланиши) икки марта ўлчаш (баҳолаш) натижалари (x_i, y_i) ($i = 1, 2, \dots, N$) қайд этилади. Бунда N -тингловчилар сони, x_i, y_i - лар эса мос равишда танланган объектларнинг хоссасини дастлабки (яъни бирор-бир усул қўллашдан олдин) ва кейинги (яъни бирор-бир усул қўллангандан сўнг) ўлчаш натижалари. Ҳар бир ўлчаш икки категория бўйича олиб борилади ва уларни 0 ва 1 билан белгиланади. Шунинг учун (x_i, y_i) жуфтликлар қуйида тўрт $(0, 0)$, $(0, 1)$, $(1, 0)$ ва $(1, 1)$ кўринишда бўлиши мумкин, яъни a, b, c ва d

Мезон статистикасини танлаш $a+c$ йиғиндининг қийматига боғлиқ бўлади.

Агар $a+c > 20$ бўлса, мезон статистикаси сифатида

$$S_1 = \frac{(b-c)^2}{b+c}$$

танланади. Бу ҳолда статистик фаразни текшириш χ^2 - квадрат мезони асосида олиб берилади.

Агар $a+c \leq 20$ бўлса мезон статистикаси сифатида

$$S_2 = \min(b, c) \text{ танланади.}$$

Қўлланилган методиканинг самарадорлигини текшириш χ^2 - квадрат (χ^2) мезони асосида олиб борилди ва бунинг учун мезон статистикасининг

$$\text{қиймати аниқланди. } S_1 = \frac{(b-c)^2}{b+c} = \frac{100}{24} = 4,2.$$

Аҳамиятлилиқ даражаси учун $\alpha = 0,05$ қиймат танлаб олинди.

χ^2 -квадрат тақсимот жадвалидан мезон статистикасининг шу қийматига мос келган критик қиймати $\chi^2_{cr} = 3,84$ топилди.

$S_1 > \chi^2_{cr}$ ($4,2 > 3,84$) бўлганлиги учун қабул қилинган $\alpha = 0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида H_0 фараз рад этилди ва H_1 фараз қабул қилинди. Шундай қилиб ЎМКХТТКМО ва УҚТИ малака ошириш курси тингловчиларининг тайёргарлик даражаси машғулотга қадар ва машғулотдан сўнг фарқи турлича эканлиги аниқланди. Дастур ва қўлланмалар асосида маъруза ва машғулотлар олиб бориш, семинар-тренинглар ўтказиш уларнинг ўқув-услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш бўйича тайёргарлигини сифат жиҳатдан оширишга ёрдам беради. Амалга оширилган ишлар натижасида малака оширишга келган тингловчиларнинг ҳамма тоифалари бўйича услубий ишлар мазмунини ўзлаштириш билимлари даражаси ўртача 54,2 дан 94,4 фоизга кўтарилган.

ХУЛОСА

1. Ўқитувчиларни кундалик таълим-тарбия жараёнига ҳар томонлама тайёрлаш – бу услубий ишларнинг асосий мақсади бўлиб, у кундалик таълим-тарбия ишларини муваффақиятли равишда амалга оширишга замин яратди.

2. Услубий ишлар - педагогик тизим бўлиб, иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига кичик мутахассислар тайёрлаш учун ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларни умумлаштириш, янги педагогик технологияни қўллаш орқали ўқув-тарбиявий жараёнини мақсадга мувофиқ ташкиллаштиришдир.

3. Услубий ишларнинг қуйидаги йўналишлари аниқланди. 1. Касб-хунар таълими мазмунини такомиллаштириш. 2. Касб-хунар таълими шакл ва методларини такомиллаштириш. 3. Давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълим жараёнини мажмуавий ўқув-услубий таъминлаш. 4. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, улардан таълим жараёнида фойдаланиш ва уларни кенг жорий этиш. 5. Касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг касбий малакаси ва педагогик маҳоратини ошириш. 6. Умумтаълим ва касбий таълим ўртасидаги уйғунликни таъминлаш.

4. Касб-хунар коллежларида услубий ишлар қуйидаги турларга ажратилди, яъни: барча педагог ходимлар учун ташкил қилинадиган жамоавий, ўқитувчилар ва ўқув усталари ва раҳбарлар томонидан бажариладиган гуруҳий ва индивидуал услубий ишлар.

5. Услубий ишларни замонавий ташкил этиш қуйидаги уч гуруҳ вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқлигини кўрсатди, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар (давлат тармок стандартларини жорий қилиш, илмий – услубий мажмуасини ишлаб чиқиш ва бошқ.); анъанавий вазифалар (ўқитувчиларнинг ижодкорлигини ўстириш, илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш, ёш ўқитувчиларга ёрдам кўрсатиш ва бошқ.); ноанъанавий вазифалар (инновацион технологияларни жорий қилиш, ўқитувчиларни кзиктирган услубий саволларини инобатга олиш, илмий-экспериментал иш қўникмаларини шакллантириш ва бошқ.).

6. Услубий ишларнинг ноанъанавий шакллари: ижодий-экспериментал лабораториялар, педагогик тренинг, муаммоли гуруҳлар, услубий ринг ва бошқалардан иборат эканлиги аниқланди. Услубий ишларнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларида унумли фойдаланиш ўқув-тарбия жараёни самарадорлиги юқори даражага кўтарилишига имкониятлар яратилишига замин бўлиши аниқланди.

7. Услубий ишлар тизимини бошқаришнинг ташкилий моделида: услубий ишларни ташкил қилишнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари; услубий ишларнинг йўналишлари; бошқарув, илмий, технологик, педагогик ва ахборот бериш функциялари; услубий бирлашмалар ўз ифодасини топди.

8. Касб-хунар коллежлари услубчилари учун “Ўрта махсус, касб – хунар таълими муассасаларида услубчилар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш”, касб-хунар коллежлари раҳбарлари ва ўқитувчилари учун “Ўрта махсус, касб – хунар таълими муассасаларида ўқув – услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш” номли дастур ва услубий қўлланма ишлаб чиқилди, улар асосида назарий семинарлар ўтказилди. Ўтказилган семинарлар асосида раҳбарлар ва ўқитувчиларнинг услубий ишларни ташкил этиш, амалга ошириш ва бошқариш бўйича билимлари етарли даражада ортганлиги исботланди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида услубий ишлар тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги **тавсияларни** амалга оширишни лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида услубий ишларни узлуксиз бошқаришнинг ташкилий моделини таълим муассасаларида тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш.

2. Услубий ишларнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларини такомиллаштириш асосларини ишлаб чиқиш.

3. Таълим муассасалари ўқувчилари учун ягона педагогик талаблар бирлигини таъминлаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Таълим муассасаларида услубий хизматларни амалга оширишнинг илмий-услубий асосларини ривожлантириш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Сотволдиев В.А., Каримова М. Ўқув жараёнида педагогик мониторинг. Услубий тавсиялар. – Тошкент, 2003. –17 Б.
2. Каримова М. Методик ишларни режалаштириш асослари // Ўрта махсус, касб-хунар таълими учун педагог ходимлар тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2004. –Б. 49-50.
3. Ходжабаев А.Р., Каримова М., Н.А.Муслимов. Касб-хунар таълими дарслари режасини тузиш, таҳлил қилиш ва кузатиш методикаси // Таълим технологиялари. –Тошкент, 2005. -№1. –Б. 23-26.
4. Каримова М. Ўқув-услубий ишларни ташкил этиш // Касб-хунар таълими. –Тошкент, 2005. -№3. –Б. 26.
5. Каримова М. Касбий таълимда услубий хизматлар мазмуни ва уни ташкиллаштириш // Ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

- сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2006. –Б. 243.
6. Каримова М., Азимова Ш. Фан ва касбларни услубий таъминлаш-паспортлаш // Ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2006.-Б. 90.
 7. Каримова М. Касб-хунар таълими муассасаларида услубий фаолиятни ташкил этиш омиллари // Касб-хунар таълими – Тошкент, 2006. -№1. -Б. 22-25.
 8. Ходжабаев А.Р., Каримова М. Касб-хунар таълими муассасалари педагогик жамоаси фаолияти бирлигини таъминлашнинг услубий асослари // Касб-хунар таълими. –Тошкент, 2006. -№2. –Б. 6-14.
 9. Каримова М. Ўқувчиларга қўйиладиган ягона педагогик талаблар мазмунини ишлаб чиқиш // Касб- хунар таълими. –Тошкент, 2006. -№3 –Б. 7-9.
 10. Ходжабаев А.Р, Холмуродов Т, Каримова М. Касб-хунар коллежларида услубий ишларни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш // Касб-хунар таълими. –Тошкент, 2006. -№4. –Б. 13-18.
 11. Ходжабаев А.Р., Ашурова С, Каримова М. Замонавий касб-хунар коллежларида услубий ишлар тизими ва уни бошқариш модели // Касб-хунар таълими. –Тошкент, 2006. -№5. –Б. 2-7.
 12. Ходжабаев А.Р., Ибрагимов Х, Каримова М. Ўқув муассасаларида услубий ишларни тезкор бошқаришнинг ташкилий модели // Касб-хунар таълими. –Тошкент, 2006. -№6. –Б. 7-10.
 13. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида услубчилар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш. Услубий тавсиянома. /Дехконова М.У., Каримова М, Джоналиева Г.А., Ниматов Р.Қ. –Тошкент, ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2006. -60 Б.
 14. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарларининг ўқув-меъриий хужжатларни юритиш ва амалга ошириш бўйича маҳоратини такомиллаштириш. Услубий тавсиянома. / Ходжабаев А.Р., Икромов А., Махмудов С., Шосалимов Ж., Каримова М., Тошхонов О. –Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2006.-139 Б.
 15. Азимова Ш., Каримова М. Ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш муаммолари ва баҳолаш мезонлари // Ўрта махсус, касб-хунар тизимида замонавий ўқитиш технологиялариини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Бухоро, 2006.-Б.142-144.
 16. Ходжабаев А.Р., Каримова М. Ўқув муассасаларида услубий ишларни ташкиллаштириш тизими // Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида

- замонавий ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Бухоро, 2006. –Б.126-128.
17. Каримова М. Услубий ишларни ташкил этиш қилиш ва бошқаришга оид тажриба-синов натижалари // Касб-хунар таълими. –Тошкент, 2007. –№4. –Б. 32.
18. Каримова М. Услубий ишларнинг ноанъанавий шакллари // Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. –Б. 85-86.
19. Каримова М.О., Ахмедов Н.Т. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда услубий ишларнинг ўрни // Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш тизими: муаммо ва ечимлар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: Extremum Press, 2007. –Б. 154-159.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Каримова Мукаддас Отажоновнанинг 13.0.08 – касб-хунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича “Касб-хунар коллежларида услубий ишларни ташкиллаштиришнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: касбий таълим, анъанавий, ноанъанавий, услубий ишлар, ташкиллаштириш, моделлаштириш, узлуксиз таълим, технология, тизим, иерархия, фаолият, услубий хизмат, ташкилий модель.

Тадқиқот объекти: касб-хунар коллежларида услубий ишлар тизими.

Ишнинг мақсади: касб-хунар коллежларида таълим-тарбия самарадорлигини оширишга оид услубий ишларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: муаммога оид илмий-услубий ва адабиётлар таҳлили, педагогик кузатиш, моделлаштириш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, сўровномалар ўтказиш, суҳбат, педагогик тажриба-синов натижаларига математик-статистик ишлов бериш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: касб-хунар коллежларида услубий ишларни ташкил қилиш мазмуни ва шаклларининг назарий асосланганлиги; услубий ишларни ташкил қилиш ва уни бошқариш модели, шунингдек, касб-хунар коллежларида услубий ишларни узлуксиз бошқаришнинг ташкилий модели яратилганлиги; услубий ишларнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари асосланганлиги, касб-хунар коллежларида педагогик жамоа фаолият бирлигини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубий хизматлар мазмуни ишлаб чиқилганлиги.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув-услубий ишларни ташкил этиш, ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик маҳоратларини ошириш ҳамда малакали кичик мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертациянинг асосий ғоялари, олинган натижалар илмий-услубий мақолаларда ёритилган ва илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган. Тадқиқот натижалари касб-хунар коллежлари амалиётига татбиқ этилганлиги ҳақида ўрта махсус касб-хунар таълими маркази далолатномасида кўрсатилган.

Қўлланиш соҳаси: ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва малака ошириш, қайта тайёрлаш факультетлари марказлари, институтлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Каримовой Мукаддас Отажоновны на тему: «Научно-педагогические основы организации методических работ в профессиональных колледжах» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.08 – теория и методика профессионального образования

Ключевые слова: профессиональное образование, традиционный, нетрадиционный, методическая работа, организация, моделирование, непрерывное образование, технология, система, иерархия, деятельность, методическая служба, организационная модель.

Объекты исследования: система методической работы в профессиональных колледжах.

Цель работы: разработка научно – методической основы организации и управления методических работ по повышению эффективности обучения и воспитания в профессиональных колледжах.

Методы исследования: анализ научно-методической литературы по проблематике исследования, педагогическое наблюдение, моделирование, изучение и обобщение передового педагогического опыта, анкетирование, собеседование, педагогический эксперимент, математико-статистическая обработка результатов.

Полученные результаты и их новизна: теоретически обоснованы формы и содержание организации методической работы в профессиональных колледжах; разработана модель системы методических работ и управления ею, а также организационная модель непрерывного управления методическими работами в профессиональных колледжах; обоснованы традиционные и нетрадиционные формы методической работы; разработаны научно-методические основы обеспечения единства деятельности педагогического коллектива и содержания методической службы.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы при организации методических работ в системе среднего специального, профессионального образования повышения профессионального педагогического мастерства преподавателей и эффективности подготовки квалифицированных младших специалистов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные идеи и полученные результаты диссертации опубликованы и обсуждены на научно-методических конференциях; внедрение результатов исследования в практику профессиональных колледжей отмечено в акте Центра среднего специального профессионального образования.

Область применения: учреждения среднего специального, профессионального образования; факультеты, центры и институты повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров.

RESUME

Thesis of Karimova Muqaddas Otajonovna on the scientific degree competition of the candidate of sciences in pedagogics, speciality 13.00.08–theory and methods of vocational education: “Scientific and Pedagogical Bases of Organizing Methodological Work in Professional Colleges”

Key words: vocational education, traditional, untraditional, methodological work, organization, modeling, continuous education, technology, system, hierarchy, activity, methodological service, organizational model.

Subject of the inquiry: system of methodological works in professional colleges.

Aim of the inquiry: working out the scientific and methodological bases of organization and management of methodological work system of rising effectiveness of education in professional colleges.

Methods of inquiry: analysis of scientific and methodological literature on the research problem, pedagogical observation, modeling, studying and generalization of progressive innovations, questionnaire, talks, pedagogical experiment, mathematical-statistic processing of the results.

The results achieved and their novelty: forms and content of organization of methodological works in professional colleges theoretically founded; the model of methodological works and management system and organizational model of continuous management in professional colleges were worked out; traditional and untraditional forms of methodological works were founded; scientific and methodological bases of ensuring the unity of the pedagogical collective activity and the content of methodological service were worked out.

Practical value: the results of the investigation are intended to organize methodological works in the system of secondary special, vocational education and to perfect teacher’s professional pedagogical skills and to rise effectiveness of training qualified young specialists.

Degree of embed and economic effectively: the main ideas and results achieved in the dissertation were published and discussed at the scientific and methodological conferences; implementation of the results in the practice of professional colleges was certified in the act of the Centre of secondary special, professional education.

Sphere of usage: in the institutions of secondary special, professional education; in faculties, centers and institutes of raising professional skills of teaching personnel.



Босишга рухсат этилди	20.03.08
Қоғоз бичими	30х42
Ҳисоб-нашр табоғи	1.75 б.т.
Адади	100
Буюртма	№ 61

Тошкент Молия институти босмаҳонасида
ризография усулида чоп этилди. 100084, Тошкент
Кичик халқа йўли, 7-уй